

НУШУҚ

8-may,
chorshanba
20

(231)

YURIDIK GAZETA

May					
D	6	13	20	27	
S	7	14	21	28	
Ch	1	8	15	22	29
P	2	9	16	23	30
J	3	10	17	24	31
Sh	4	11	18	25	
Y	5	12	19	26	

2002

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan

ХОТИРА УЙГОНСА, ҚАДРИЯТ ЯШАР

Мана бир неча йилдирки, 9 Майни — эзгулик ёвузлик устидан галаба қозонган кунни биз ахшиларни ёдлаш, табарруқ зотларни зиёрат қилиб, дуою фотиҳаларини олиш ва шу билан халқимизга хос бўлган олижаноблик, бағрикенглик қадр толган кун сифатида нишонлаб келаемиз. Бу кун Хотира ва Қадрлаш кунни деб аталади. Инсон хотирасиз қолса, манкуртга айланади. Бир-бирини қадрламай қўйган инсонлар ваҳшийликка юз тутадилар. Лоқайдлик, бефарқлик, оқибатсизлик ҳукм сурган, меҳр-муруват, адолат, инсоф кўтарилган жойда табарруқ китобларимизда ёзилганидек, охиразамон бошланади. Шунинг учун ҳам ўтганларни ёдга олиб, ўтган кунимизга назар солиб, бугунги ҳаётимизни тўлдириб турган ота-онамиз, яқинларимиз, дўстларимиз ва устозларимизни тавоф айланиши ахамияти жуда каттадир:

Хотира ўқилган
ахши китобдир,
Қадрият нур сочган
улуғ офтобдир.
Бир руҳиятинг
зиёга тортар,
Бириси қалбингда
меҳр уйғотар.

Хотирасиз халқнинг
истиқболи йўқ,
Қадрият келажак
сари учган чўғ.
Балам, сен бобонгиз
ёдингга олгин,
Иқбол қадрин кўзлаб
тоққа йўл солгин.

Оталар дуоси
ижобат бўлғай,
Орзу чўққисид
толеинг кулғай.
Ватан — саждагоҳинг,
юртингга носбон,
Эл меҳрин ардоқлаб
қадр топ, ўғлон!

Бил, Қадр бағрида
хотира яшар,
Хотира уйғонса,
қадрият яшар.



9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

6 май кунини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Уни Республика Бош прокурорининг биринчи ўринбосари, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Азимжон Эргашев олиб борди.

Кун тартибидидаги биринчи масала — Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар кириштириш ҳақида»ги Қонуни асосида судларда жиноий ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш, ноқонуний суд қарорларига протестлар келтириш ҳамда бу борадаги тергов амалиётини ўрганиш натижалари юзасидан Бош прокуратуранинг бошқарма бошлиғи А.Солихов ахборот берди.

Тошкент шаҳар прокуратураси органларининг қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш борасидаги фаолиятини ялпи текшириш натижалари ҳақида Бош прокуратуранинг бўлим бошлиғи Н.Бобоевнинг ахбороти тингланди.

Ҳайъат мажлиси муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Наманган вилоятида Республика Бош прокуратураси, Олий Мажлисининг Қонунийлик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, ИИБ ва Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорлигида «Жиноий жазоларни либераллаштириш: Муаммолар ва истиқболлар» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, адвокатлар, Наманган Давлат университети ўқитувчи ва талабалари, ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Анжумани вилоят ҳокими Т.Жабборов очди. Шундан сўнг Республика Бош прокуратурасининг Қонунийликни мустаҳкамлаш ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази директори Э.Абзалов, Олий Мажлисининг Қонунийлик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари А.Тўхташев, Олий Суд раисининг ўринбосари С.Қодиров, ТДЮИ доценти Е.Никифоров, ИИБ Бош тергов бошқармаси бошлиғи А.Шарафуддинов маъруза қилдилар.

Шундан сўнг узаро мулоқот бошланди. Анжуман иштирокчилари амалиётда ўзлари дуч келаятган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида саволлар бердилар. Музокараларда жиноий жазоларни либераллаштириш муаммолари ва истиқболлари хусусида атрофлича фикр юритилди.

А.МАДАТОВ,
«Хуқуқ» муҳбири

Чоршанбадан Чоршанбагача

2 май
«Чикиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни кучга кирди.

Олий Мажлисда Европа Иттифоқи комиссияси ТАСИС дастури доирасида сиёсий партияларнинг парламентда тутган ўрнига бағишланган конференция бўлди.

3 май
Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

«Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

4 май
«Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни кучга кирди.

6 май
Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

7 май
Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси амалга киритилди.

Моҳият

Хотираси бўлмаган, тарихини унутган, ўз аждодларининг қадрига етмайдиган миллатнинг истиқболи йўқ.

Ислам КАРИМОВ

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar:

O'zbekiston Respublikasi

Bosh prokuraturasi,

Toshkent shahar va

Toshkent viloyati

prokuraturalari,

«Onun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:

Abduxoliq

ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,

Dilshod Islomov

(Bosh muharrir o'rinbosari),

Jahongir SHAROFBOYEV

(mas'ul kotib),

Lola Shomurodova,

Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot

qo'ltasida №00150 raqam

bilan ro'yxatga olingan.

Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

Manzil: Toshkent shahri,

akademik Yahyo G'ulomov

ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.**Reklama va e'lonlar:**

133-82-34

E-mail: huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma

va suratlar egalari

qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari

tahririyat fikridan farqlanishi

mumkin. Gazetada bosilgan

fakt va dalillar uchun

muallif mas'ul.

Nashrimizdan ko'chirib

bosilganda «Huquq» dan

olinganligi ko'rsatilishi shart.

Tijorat ahamiyatiga molik

materiallar ** belgisi ostida

chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter

bazasida terildi va sahifalandi.

«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida ofset usulida A-3

formatda chop etildi.

Korxonada manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 3149

Nusxasi — 24.414

Bosmaxonaga topshirish

vaqti 20.00

Bosmaxonaga

topshirildi 18.30

Gazeta haftaning chorshanba

kunlari chiqadi

Navbatchesi muharrir:

H. NISHONOV

Navbatchesi: F.MAMASHARIPOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

● БАДИА

— Омонмисан, ўғлим?
— Бобо, сиз... Ахир...
— Йўқ, ўғлим. Мен ўлганим йўқ, Тирикман.

Туш кўраяпман шекилли. Ахир бобомнинг ўтганларига анча йил бўлди. Балки...

— Ҳа, ўғлим, ўйлаиб қолдинг?
— Сизни соғиндим, бобо.

Бобомнинг нуруний чехрасидан кўнгилда аллақандай илиқлик уйғотувчи нур тараларди. Йўқ, аслида бу илиқлик илгаридан бор эди. Фақат айни пайтда эғнидаги оппоқ яқтаги, чиройли оппоқ соқоли билан уйғунлашиб, яна ҳам кўзни қамаштирарди. Аммо мен барибир бу тушми ёки ўнг эканлигини фарқлай олмай, лол эдим.

— Хайрон бўлма, ўғлим. Мен жисман ўлган бўлсам ҳам, сенинг хотирамда тирикман. Ахир бугун мени эсладинг-ку, шундай эмасми?

— Мен... мен... бобожон, бобо...

Бобом томон ўзимни отдим. Унинг қандайдир ўзига хос бўлган исини туйгим келди. Соқолига юзимни босиб, суйкалгим, эркалангим келди. Лекин бобом ним табассум қилганча мендан узоқлаша бошлади. Назаримда, бобом ўзини чулғаб турган сеҳрли нур ичига сиғиб кетгандек бўлди.

— Бобо, бобо-ж-о-он...

Рост бугун бобомни ёдга олган эдим. Аслида у кишини тез-тез эслаб тураман. Аммо бу галгисига сабаб мана бу осма соат бўлди. Бу соатни мен бундан бир неча йил бурун, аникроғи, мактабда ўқиб юрган кезларимда у кишига совға қилган эдим. 9 май эди ўшанда. Бир неча кун олдин мен бир тadbирда иштирок этиб, шеър ўқигандим. Tadbir сўнгидеки энг ёш иштирокчи сифатида менга ўша осма соатни совға қилишди. Бу эғнидагина шеъринг бўстониға атак-чекчак қадам қўяётган, ёзганлари ҳали шеър деб аташга ҳам арзимайдиган ёш ҳаваскор қаламкашнинг илк мукофоти эди.

Ўша пайтдаги ҳолатимни сўз билан таърифлай олмайман. Ростки, дунёга сиймай кетаётгандек эдим, назаримда. Ҳамма менга ҳавас билан қараётгандек туюларди. Уйда ҳар галгидек, кувончимга онам шерик бўлди. Мен эса онамга осмондаги ойни олиб бергандек, қўсим гурурга тўлиб тошарди. Кечга яқин онам бир гап айтиб қолди:

— Индинга бобомнинг байрами. Уларни табриқлагани борамиз.

Бир гап айтсам ишонмаганимиз. Мен ҳалигача бобомнинг туғилган кунларини билмайман. Эҳтимол онам ҳам анча билмас керак. Негаки, бирор марта бобомнинг туғилган кунини нишонламаганимиз. Аммо ҳар йили 9 май кунини, албатта, бобомнинг ҳовлиси одамга тўлиб кетарди. Сабаби, бобом урушда қатнашган.

Бир куни бобом: «Ўшандай қирғинбарот ичидан соғ-омон қайтиб келганим — қайта туғилганим. Туғилган кунимни суриштиришининг хожаги йўқ», деб қолдилар. Демак, яқинда бобомнинг байрами ёки туғилган кунига борамиз.

— Мен соатимни бобомга бераман, — дедим онамга.

— Ахир буни сенга совға қилишган-ку?

— Нима, совгани совға қилишмайдами?

— Йўқ, аммо, бу сенинг биринчи мукофотинг, уни ўзинг учун эсдалikka олиб қўяқол.

— Мен буни бобомга совға қилмоқчиман, — дедим аразлаганимни

лишмайдиёям, — дерди.

Бобом дунёдан ўтгач, эртаси куни бордим. Бобомнинг ҳужраларига кириб, деворда осиглиқ соатга кўзим тушди. Во дариг, соат тўхтаб қолганди. Қўлимга олиб, у ёқ-бу ёғини кўраётган эдим, тоғам кириб қолди. Кўзларимдаги саволни ўқди шекилли:


— Эрталаб тўхтаб қолибди. Батерейаси ўтириб қолган бўлса керак, деб янгисини қўйдим. Ишламади, — деди хўрсиниб.

Аллақандай бўлиб кетдим. Соатни кўксимга босганча йиғлаб юбордим.

Бобом кўп ажойиб одам эди. Маҳаллада у кишининг ҳурмати баланд эди. Ҳеч бир тўй-маърака у кишининг иштирокисиз ўтмасди. Баъзан бирор юмушлари чиқиб қолиб боролмай қолса, тўй эгаларининг ўзлари келиб «Сизсиз бошламаймиз» дея зўрлаб олиб кетишарди.

Кизиғи, у кишининг дарвозалари ҳеч қачон беркитилмас эди. Сабаби, тун ярмида ҳам, тонг ёришмай ҳам, хуллас, уззу-кун бобомни йўқлаб келгувчиларнинг кети узилмасди. Кимдир вафот этган, битта ёки иккита бола қаровсиз қолган, қозон осига масаллиқ йўқ, ҳатто баъзан кафалик ҳам тополмай мурожаат қилганларнинг гувоҳи бўлганман. Бироқ бобом ҳамма вақт жамоатчилик билан бирга бу муаммоларни бир зумда ҳал қиларди...

Мустақилликнинг илк йилларида бир гуруҳ ғаламислар Ўзбекистонда миллатчилик уруғини сегиб, ўзбеклар ва бу ерда яшовчи бошқа миллат вакиллари ўртасида низо келтириб чиқаришмоқчи бўлдилар. Афсуски, улар қайсидир ҳудудларда бунга эришдилар ҳам. Паркент, Бўка воқеаларини ҳозир кўпчилик алам билан хотирлайди. Бу воқеалар қайсидир маънода мамлакатнинг бошқа ҳудудларига ҳам ўз таъсирини кўрсатарди. Минг шукрки, кўпни кўрган, доно, зукко, халқимиз оқ-қорани ўз вақтида ажратиб олди. Бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди.

ХОШНИР-АМО-АҒИ**ҚАДР**

Бир куни ярим тунда уйғониб кетдим. Бобом нариги хонада ким биландир суҳбатлашиб ўтирарди.

— Ай, Абдурайим ота. Мен энди қайга бораман? Ахир шу ерда туғилдим. Шу ерда ўйладим. Онанин шу ерга қўйдим... Бир кўнглим, кўн-кўронингни кўтариб, Қримга кет, дейди. Аммо кўржаман. Борсам, у ердагилар ҳам кетимга тепса, кейин қайга сийгаман? Кўп ўйладим, ота. Ахир болаларим шу ерда туғилди, шу ерда ўлғайишди. Мен шу ерда томир отиб, палак эдим. Ил-дизларимни суғуриб қандай кетаман?

Шунча йил тузини ичганим эл, энди менга эл бўлмай қолдимми, ота? Кетсам тузликка тупурган бўлмайманми?

Бобомнинг суҳбатдоши бу сўзларни йиғлаб айтаётгани шундоққина сезилаб турарди. У гапдан тўхтагач, орага узоқ жимжитлик чўқди. Фақат меҳмоннинг аҳён-аҳёнда чуқур хўрсиниб қўйишигина ушбу сукутни бузиб турарди. Узоқ жимликдан сўнг бобом сўз бошлади:

— Аслида айб, ўзимизда. Болаларимизга бошимиздан ўтганини тез-тез эслатиб турмаймиз. Очарчилиғу уруш йилларида елкама-елка туриб меҳнат қилганимизни, динимиз, урф-одатимиз бирлигини, қиз-олиб, қиз бериб қонимиз биллашиб кетганлигини улар қаёқдан билсин?

Ўтган кунларни уларга сўзлаб бериш бизнинг бурчимиз. Зеро, ёшлар биз кўрган кунлардан ҳулоса ясаб, бугунги дорилмомон кунларга шукрона келтиришлари зарур. Сиз уч-тўрт ёш-ялангнинг билиб-билмай қилган ҳазилидан қўчиман. Улар номидан мен сиздан ур сўрайман. Болаларингиз олдиға боринг. Уларни юпатинг. Мен эртаға қари-яларни тўплайман. Маҳаллада масалани муҳокама қиламиз. Ҳаммаси яхши бўлади.

Кейин билсам, боғия кишининг уйига уч-тўрт ёш-яланг «Кримга кўчиб кетинглар. Бўлмас...» қаби-лида хат ташлаб кетишган экан. Бобом айтганини қилди. Эртасига маҳаллада катта йиғилиш бўлди. Бобом узоқ маъруза қилди. Хуллас, ҳеч ким Қримга кўчиб кетмади. Ўша тун бобомга шикоят қилиб, келган киши ҳали ҳам шу ерда яшайди. Ўғлини ўлади, қизини ўзбекка берди... Яқинда у кишини учратдим.

Анча қариб қолибди. Қўришдик. Бироз суҳбатлашдик. Хайрлашар чоғимиз шундай деди:

— Абдурайим ота авлиёсифат одам эди. У кишининг қадри жуда билинапти. Қишлоғимиз хувиллаб қолди...

Бобом ростдан ҳам авлиёсифат эди. Остонасига неки юмуш билан келган инсон ноумид кетмасди. Аммо шундай инсон умрининг охирида оғир дардга чалиниб, узоқ вақт тўшакка миҳланиб, ётиб қолди. Шунда ҳам бобомни йўқлаб келгувчиларнинг кети узилмасди.

Ҳаётининг сўнгги кунларида кўзлари ҳам кўрмай қолди. Менга армон бўлиб қолгани, бобом менин тўйимни кўра олмади. Мен аравачада бўлса ҳам олиб кетаман, деганимда онам хаста одам қийналиб қолишини айтиб, бу аҳдидан қайтарди. Тўйдан сўнг бобомни кўргани бордик. Бобом аравачада, ховлининг тўрида ўтирарди. Онам йиғи аралаш:

— Дада, неварангиз боши иккита бўлиб келди. Уларга оқ фотиҳа беринг. Иккови ҳам қаршингизда турибди, — деди.

Аммо бобом кўлларики қимир-лата олмасдилар. Онамининг сўзларини эшитди чоғи, лаблари икки томонга тортилиб, жилмайди. Жилмаярди-ю, кўзларидан ёш томчи-томчи бўлиб оқарди. Ўпкам тўлиб кетди. Бобомни қучоқлаб йиғлай-вердим, йиғлайвердим...

Орадан уч кун ўтиб бобом фоний дунёни тарк этиб, боқий дунёга кетдилар...

Азиз, ўқувчи. Аслида ҳар бир инсоннинг хотирасида ўзи учун қадри бўлган қайсидир воқеа, қайсидир ҳолат бўлади. У ана шу хотирани йиллар давомида, умрининг охиригача авайлаб, эъозлаб яшайди.

Ниятим, ана шу хотира ва қадр чироғи ҳеч қачон ўчмасин. Омон бўлинг!

Жаҳонгир ШАРОФБОВ,
«Хуқуқ» муҳбири

Умр ўткичи. Дунё омонат. Шу омонат дунёда умрни қандай ўтказиб қўйганлигини билмаймиз гоҳда. Бугун биз билан чақчақлашиб ўтирган кишининг эртага йўқлигидан, баъзан қўл бериб кўришган танишимизнинг қутилмаганда мангу кўз юмганлигини бехосдан эшитиб хайратга тушамиз. Яқинда кўрувдим-ку, дея ишонгимиз келмайди. Саидмамат ака оламдан ўтганда ҳам худди шундай бўлди. «Йўғ-э, шундай полвон одам-а?!» деди биров. «Соппа-соғ эди-ку?!» деди яна бошқаси. Энди кимдир вақтида икки оғиз ширин сўз айтолмаганидан, бошқа биров эса Саидмамат ака қилган яхшиликларни қайтаролмаганлигидан армонда. Турмуш ўртоғи Музалям опанинг ўқинчлари юракка санчилади: «Фарзандларининг орзу-ҳавасини қўролмай кетди».

Ҳа, Саидмамат Саидов айни гуркираган эллик икки ёшида бу оламни тарк этиб кетди. Келин кўриб, куёв кўриб ҳали набира-ларини елкасида ўйнатмаганди ҳам.

Хуқуқшунос бўлиш қийин. Керак бўлса уй-жой ва фарзандлардан кечиб бошқа туманларда ишлашга тўғри келади. Саидмамат ака асли касбилик бўлса-да, Муборак тумани прокуратурасида прокурор ёрдамчиси лавозимида ишлаб келарди. Уйига фақат haftaда бир мартагина келиб кетарди. Болаларининг дийдорига тўймасди ҳам. Прокуратурада тунни тонгга улаб чарчаган кезлари «Нафақага чиқсам, фарзандларим билан тўйиб-тўйиб суҳбатлашаман» дерди у. Афсус, орзулари ушалмади. Аммо ортиндан яхши ном қолдирди. Одил хуқуқшунос ва донги кетган полвон, дея эслашади у кишини таниганлар. Дарҳақиқат, оддий қишлоқ йиғитидан собиқ «СССР спорт устаси» ва етук хуқуқшунос даражасига кўтариллиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Саидмамат акани полвон сифатида нафақат Қашқа воҳасида, балки қўшни Туркманистон ва Қирғизистон Республикаларида ҳам яхши танишади. Айниқса, мағлубият нелигини билмаган чапани полвонлар у кишини «Садом полвон» дея хурмат билан тилга олишади. Аслида унинг полвонликка қизқиши ҳам жуда қизиқ бўлган.

Саидмамат ёшлигидан узунлик ва баландликка сакраш бўйича мусобақаларда иштирок этиб юрди. Еттинчи синфда ўқиб юрган кезлари Бешкент туманида ўтказилган мусобақада 170 сантиметр баландликка сакраб, спорт мураббийсининг эътиборини ўзига қаратди.

Шундан сўнг уни вилоят ва бошқа туманларда ўтказиладиган мусобақаларга таклиф эта бошлашди. Бу турнирларда голиб бўлгач, республикада ҳам фахрли ўринларни эгаллади.

Эҳтимол, шу сабаб бўлибми, у олтимиш еттинчи йили Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига ўқишга киргандан сўнг ҳам фақат енгил атлетика билан шугулланди.

Аммо олтимиш тўққизинчи йил Саидмамат ҳаётида туб бурилиш ясаган йил бўлди. Қишки сессияни топшириб уйига қайтган, полвон амакиси унга курашда ҳам куч синаб кўриши кераклигини айтиб қолди ва қўшни қишлоққа тўйга олиб бор-

ниг доврўғи элга танилди. 1970 йил самбо бўйича, 1973 йили дзю-до бўйича собиқ «СССР спорт устаси», 1974 йили Қаратум шаҳрида ўтказилган Ўрта Осиё республикалари курашчилари мусобақасида бухороча кураш усули бўйича биринчи соврнини олганлиги учун «Ўзбекистон спорт устаси» унвонларини олишга муваффақ бўлди.

Шунингдек, 1972 йили Ростов-Дон шаҳрида ўтказилган СССР қуролли кучлари мусоба-

қасида биринчи ўринни олди. Шу йили Иттифоқ спорт жамоалари мусобақасида «Динамо» ҳисобидан қатнашиб, шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди. 1973 йил Витебск шаҳрида «Буревестник» таркибида бош совринга эга бўлди. 1974 йил фазогир Волков, Пацаевлар хотирасига бағишлаб собиқ Иттифоқ бўйича ўтказилган беллашувларда биринчи ва иккинчи ўринларни олишга эришди.

Саидмамат Саидов жисмоний тарбия институтини тамомлагач, Тошкент Давлат университетининг жисмоний тарбия кафедрасида ишлаш билан бирга, хуқуқ факультетида сирдан таълим олди. Олий маълумотли хуқуқшунос ҳам бўлиб етишди ва дастлабки иш фаолиятини Муборак тумани прокуратурасидан бошлади.

Сўнг Усмон Ҳусупов, Чироқчи, Баҳористон, Косон, Касби ҳамда Қарши туманлари прокуратураларида фаолият кўрсатиб,

«Саидмамат хуқуқшунослик борасида ҳам полвон эди» дея хотирлашади унинг ҳамкасблари.

«Саидмамат хуқуқшунослик борасида ҳам полвон эди» дея хотирлашади унинг ҳамкасблари.

«Саидмамат хуқуқшунослик борасида ҳам полвон эди» дея хотирлашади унинг ҳамкасблари.

Ҳа, ишда, ҳаётда ва билимда полвон бўлган Саидмамат Саидовнинг хотираси ҳамкасблари, полвон дея тан олган ҳамюртлари хотирасида мангу яшайди. Мақола ёзмоқ ниятида Саидмамат аканинг уйига ташриф буюрганимизда фарзандларининг ҳам ўзидек содда ва беғубор эканлигини кўриб, дилимиз ёришди.

Айниқса, кенжа ўғил Ижод-

БОРАК ТУМАНИ ПРОКУРАТУРАСИДА ИШЛАГАН

ҚАЛЪДА ҚОЛМОҚ САОДАТИ

Кураш тушиб кўрмаган Саидмамат табиийки бу курашда ўзи тенги боладан енгилди. Доим мусобақаларнинг олди бўлиб юрган йиғитчага бу мағлубият алами ёмон ботди. Тошкентга қайтгач, кураш секциясига қатнай бошлади.

Кафедра ўқитувчиси Александр Истаминдан кураш сирларини кунт билан ўрганди. Ўқишдан кейин уч ой давомида ярим тунгача ўтказиладиган тинимсиз меҳнат ва сабот талаб этадиган машқлар эвазига у кураш усулларини ўрганиб олди. Бу тез орада ўз самарасини бера бошлади. Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилган мусобақада барча рақибларини енгиб, чемпион бўлди. Сал ўтмай «Тошкент оқшом» газетаси соврини учун ўтказилган биринчиликда Ўзбекистоннинг мутлоқ чемпиони Михаил Радинов устидан галаба қозонди. Муваффақиятлар кетма-кет келарди. Аммо қишлоқдошлари ҳали унинг донгдор полвон бўлганлигини билишмасди. У тўкилган орини тикламоқ учун еттиинчи йилнинг қишида қишлоғига келди. Ўша йили тумандаги Миришкор қишлоғида курашди тўй бўлаётганда.

Саидмамат бу тўйда елкаси ер искамаган Ёмғир, Али ва Ражаб полвонларни мағлубиятга учратди. «Қолган полвонларга ҳам ҳеч ким чиқмай турсин, ўзим олишаман» деган эди, амакиси келиб секин кўлидан тутди-да: «Уят бўлади. Полвон сал камтарроқ ҳам бўлиши керак» дея даврдан олиб чиқиб кетди.

Шу-шу бўлди-ю, унга чоратрофдан курашга таклиф қилиб, тўйхатлар кела бошлади. Саидмамат уларнинг ҳаммасида кураш тушди. Энди «Садом полвон» товоқ олиб, давра айланса, унга қарши ҳеч ким чиқмайдиган бўлди.

Институтнинг охириги курсида ўқиб юрган кезлари Туркманистоннинг Керкиси шаҳрида яшайдиган дўстиникига меҳмондорчиликка борди. Гап-гап билан бўлиб, ўша ерда бўлаётган тўйга йўл олишди. Тўй курашли экан. Саидмамат қараб туролмади. Енг шимариб курашга тушиб кетди. Саккиз полвонни йиқитган қашқадарёлик бу полвонга туркманистонликлар ҳам тан беришди.

Тез орада «Садом полвон»

Кимки отасининг вафотидан кейин ҳам унга яхшилик қилишни истаса, унинг ёру биродарлари билан алоқани узмасин.

(Ҳадисдан)



Қарияларимиз — қадриятларимиз

ЭЪТИРОФ ҚАДРИЯТ УЛУҒ НЕЪМАТ

Бундан тўққиз йил олдин менинг ҳаётимда туб бурилиш бўлди десам, муболага бўлмайди. Тўғри, инсон ҳаёти давомида кўплаб яхши-ёмон кунларни кўриши мумкин. Аммо ҳаётимда юз берган 9 йил олдинги янгиланиш мени мутлақо бошқа ҳаётга олиб келди, тасаввурларимни тубдан ўзгартирди. Ўзингизга маълум, юртимизда 9 май Хотира ва Қадрлаш кuni сифатида кўпдан буюн расман нишонланиб келмоқда. Шунини ишонч билан айта оламани, ўзбек халқи ўз қадриятларини ҳар кuni, ҳар соатда қадрлаб келган, энг оғир даврларда ҳам унутмаган.

Ҳалимнинг бошида ҳаётимда бундан тўққиз йил олдин юз берган ўзгаришни беҳиз эсламадим. Ҳозирги ишимга келишдан олдин Давлат лойиҳалаштириш институтида 30 йил бўлим бошлиғи лавозимида ишлаганман. Ўша даврлардаги бир хрлат ҳеч едимдан кўтарилмайди. Барча ўзбеклар билади, уларнинг уйига меҳмон келса мезбоннинг аёли эшигини очиб кутиб олади. Бошқа миллат кишисининг уйига борган меҳмонни эса,

мезбоннинг аёли эмас, дастлаб ити кутиб олади. Айтинг-чи, ўзбекларнинг кундалик ҳаётини шу оддий ҳолатни нима билан, қандай баҳолаш мумкин? Йўқ, бундан ҳеч қачон, ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. 9 май ўзбекларнинг ана шу қадриятига ҳам қўйилган ҳайкалдир.

Ҳозирги ишимга келганимдан кейин ўзбекларнинг улуг фазилатларини кашф қилдим: улар ҳатто ўзини ёмон кўриб турган одамга ҳам бир пиёла чай тутиб эъзоз кўрсатади. Дунёни гўзаллик асрайди, дейишади. Назаримда, дунёни фақат гўзаллик эмас, балки ўзбекларга хос бағрикенглик ҳам асрайди.

Зайнаб ГАЙНУЛИНА,
Тошкент шаҳар прокуратурасининг хўжалик ишлари юртувчиси

Гулруҳ ЁРМАТОВА,
журналист.
Қашқадарё вилояти

Хар бир халқ, хар бир миллат ўз тарихи, маънавий қадриятлари, маданий меросини кўз қорачиғидек асрашга, ривожлантиришга ҳамда келажак авлодларга мерос қолдиришга ҳаракат қилади. Ўзбек халқи ҳам ўз миллий қадриятларини, маънавий-маданий бойликларини асрлар давомида авайлаб асраб келмоқда.

Республикамиз Президентини Ислам Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» номли асариди шундай деб ёзди: «Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ давом этган қаттиқ мафқуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди».

Дарҳақиқат шундай. Мустақиллик туфайли қадриятларимизни янада яхшилашга, аждодларимиз меросини чуқурроқ ўрганиб, бутун дунё аҳлига намойиш этиб, жажон цивилизациясидаги ўрнимизни мустаҳкамлашга интиломдамиз. Бу борада тарихимиз ва маданиятимиз кўзгуси бўлган музейларнинг ўрни, аҳамияти беқийсдир.

Бинобарин, мамлакатимизда музейлар фаолиятини яхшилаш, маданий бойликларни асраб-авайлашга доир қатор қонунлар қабул қилинган.

Авал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси органлари томонидан Маданият ишлари вазирлигига қарашли музейларда мулкнинг сақланишига қаратилган қонунлар талабларининг бажарилиши юзасидан ўтказилган текширишларда айрим музейларда тегишли қонун ва қарорларга, вазирлиқнинг йўриқномаларига тўлиқ риоя этилмаётганлиги маълум бўлди.

Маданият ишлари вазирлиги тизимда 74 та музей мавжуд. Айни вақтда ушбу музейлар фондида 1 млн. 322033 дан ортиқ экспонат сақланмоқда.

Мазкур музейлардан 4 таси, яъни Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Амалий санъат музейи, Ўзбекистон Давлат табиат музейи ва Бухоро Давлат бадийи мейморилик музейи кўриқхонаси давлат бюджетидан, қолганлари эса маҳаллий бюджетдан маблағ билан таъминланади.

Музейларни республика бюджетдан маблағ билан таъминлаш ишларини эса талаб даражасида деб бўлмайд.

Хусусан, 1999-2000 йилларда вазирликка қарашли музейларни таъмирлаш ва уларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш учун 5,5 млрд. сўм ажратилиши лозим бўлгани ҳолда, маблағ ажратилмаган. 2001 йилда эса 5,5 млрд. сўм ўрнига атиги 377,8 млн. сўм берилган, ҳолос.

Маҳаллий бюджетдан асосан ходимларнинг ойлик иш ҳақи ва коммунал хизматлар учун маблағлар ажратилган. Капитал таъмирлаш ишлари, замонавий ускуналар харид қилиш, қўриқлаш ва ёнгинага қарши мосламаларини янгилаш, санъат асарларини таъмирлаш каби асосий мақсадлар учун маҳаллий ҳокимликлар ва ҳомий ташкилотлардан маблағлар даярили ўтказилмаган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра музей бинолари кўркам,

● МИЛЛИЙ МЕРОСИМИЗ ҚОНУН МУҲОҒАЗАСИДА

бўлиши, уларда санъат асарларини намойиш қилиш, сақлаш учун барча шароитлар яратилган бўлиши лозим.

Маданият ишлари вазирлигига қарашли музейлар 149 та бинода жойлашган бўлиб, ҳозирги кунда улардан 81 таси капитал таъмирлашга муҳтож. Айримлари эса умуман музейларга қўйилмаган талабларга жавоб бермайди.

Хукумат томонидан мазкур йўналишда қабул қилинган қарорларнинг музейларни

ри ўғирлаб кетилган.

11 октябрда эса шу музейда иккинчи жиноят содир этилган. 6.000 АҚШ доллари баҳосидаги фил суюғидан ясалган ҳайкалча ҳам ўғирланган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддаларига асосан Ш.Хаджихановга нисбатан жиноят иши кўзга тилган. Дастлабки тергов давомида жиноятчи музейнинг томидан кўрғазмалар залига тушиб, ушбу ўғирликларни содир этганлиги аниқланган. Жиноят иши бўйича тергов якунланиб, қўриб чиқиш учун Тошкент шаҳар судига юборилган. Ўғирланган санъат асарлари музейга қайтарилган.

Андижон вилояти, Қўрғонтепа туманидаги Ўлкашунослик музейининг заҳира омборхоналари ҳам замонавий техник воситалар билан жиҳозланмаган. Музей мазмурияти кўриқлаш ишларини тўғри ташкил этиш чораларини кўрмаган. Бунинг натижасида 2000-2001 йиллар давомида икки мартаба ўғирлик жиноятчи содир

Хусусан, Давлат табиат музейи заҳира омборхонасига 1995 йилдан 1999 йилгача ҳеч қим қилмаган. Натижада, бинонинг иситиш трубалари чириб, тешилиши туфайли хонадаги 25 та санъат асари сув тегиб чириган, матолари йиртилган, бу асарларнинг айримларини сиқонлар кемириб кетганлиги оқибатида қайта таъмирлаб бўлмайдиган ҳолатга келиб қолган.

Андижон вилоятидаги Адабийёт ва санъат музейи заҳира омборхоналари музей мазмурияти биносида жойлашган бўлиб, экспонатларни сақлаш учун махсус жавонлар ва таҳлигичлар қилинмаган. Экспонатларни сақлаш амалдаги қоғда ва меъёрларга жавоб бермайди. Бунинг натижасида 12 турдаги 17 дона ноёб санъат асари таъмир-талаб бўлиб қолган.

Бу каби қонунбузарликлар Бухоро Давлат бадийи мейморилик музейи кўриқхонаси, Самарқанд вилояти Давлат музейи кўриқхонаси, Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги Ўлкашунослик музейи, Қорақалпоғистон

лар ҳисобидан музейда сақланаётган ноёб экспонатларни жажон миқёсида тарғиб этишга йўналтирилган реклама маҳсулотларини мунтазам равишда ишлаб чиқаришни ташкил этиш масъулияти юкланган бўлсада, бирок қарорнинг ушбу банди ижро этилмаган.

Тарғибот ва реклама ишлари сустигли натижасида вазирликка қарашли музейларга жуда кам одам киради.

Хукумат қарори талабларига кўра Олий ва ўрта махсус таълим, Макроиктисодиёт ва статистика вазирликлари зиммасига 1995-1996 ўқув йилидан бошлаб Маданият ишлари вазирлигининг талабномаси асосида олий маълумотли музейшунослар тайёрлаш бўйича тегишли ўринлар ажратиш масъулияти юклатилган бўлсада, ўтган етти йил давомида музейларга мутахассислар етказиб бериш ишлари талаб даражасида ташкил этилмаган.

Вазирликка қарашли музейларда фаолият кўрсатаётган 1740 та ходимларнинг бор-йўғи 5 фоизи олий маълумотли бўлиб, шулардан атиги 3 фоизигина музейшунослик мутахассислигига эга, ҳолос. Бундан ташқари, «Ўзбекмузей» жамғармасининг музейлар фондидаги экспонатларнинг яқин рўйхатини юритиш, уларнинг муҳофаза шароитларини доимий назоратга олиш

МУЗЕЙ ЭКСПОНАТЛАРИ — АЖДОДЛАРДАН ҚОЛГАН ЭСДАЛИК

таъмирлашга оид қисми айрим масъул шахсларнинг эътиборсизликлари натижасида қечиктирилиб бажарилаётган ёки умуман ижросиз қолдирилмоқда.


Масалан, Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият тарихи музейи ҳамда Ўзбекистон Давлат табиат музейи ва музей фондларини сақлаш биноларини таъмирлаш ишлари 1995-1997 йилларда якунланиши лозим эди, аммо улар вазирлиқнинг моддий техника таъминоти ва ишлаб чиқариш бошқармаси ходимларининг ҳамда вазирликдаги баъзи масъул ходимларнинг ўз вазифаларига совуққонлик ва масъулиятсизлик билан қарашлари оқибатида етти йилдан бери давлат инвестиция дастурига киритилмай қолаётганлиги сабабли Молия вазирлиги томонидан маблағ билан таъминланмаган.

Бундан ташқари, Макроиктисодиёт ва статистика ҳамда Молия вазирликлари 1995-1997 йилларда Маданият ишлари вазирлиги тақдим этган ҳужжатлар асосида музейларни замонавий жиҳозлаш учун зарур бўлган техника воситаларини сотиб олиш учун тегишли маблағ ажратишлари лозим эди. Бу талаблар ҳам тўлиқ бажарилмаган.

Музей биноларининг коридорлари, заллари ва бошқа алоҳида хоналарига техник воситалар ўрнатилмаган, ўғриллик ва бошқа хавфлардан ҳимоя қилиш чоралари қўрилмаган.

Музейларда мулкнинг сақланишига эътиборсизларча муносабатда бўлиш, замонавий қўриқлаш воситалари билан жиҳозланишини таъминлаш мақсадида ноёб санъат асарларининг талон-тарож қилинишига сабаб бўлган.

Жумладан, 2001 йил 10 октябрда Ўзбекистон Давлат санъат музейидан сугурта баҳоси 8.500.000 АҚШ доллари баҳоланган ноёб санъат асарла-



этилиб, 148 та экспонат ўғирланган.

Хусусан, 2000 йил 21 август кунини музей омборхонасидан 64 турдаги, 2001 йил 21 январда эса музей заҳираси омборхонасидан 84 турдаги музей экспонатлари ўғирлаб кетилган.

Хива тумани прокуратураси томонидан «Ичон қалъа» музейида ўтказилган текширишда аниқланишича, музейнинг хунармандчилик бўлими бошлиғи К.Розибоев «Нуриллобой» мажмуасига ўрнатилган гишт ва бошқа қурилиш материалларини ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилган. Унга нисбатан жиноят иши кўзга тилиб, айбдор суд ҳукми билан жазоланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Давлат табиат музейида ўтказилган текширишда аниқланишича, заҳирахоналарда санъат асарларини сақлаш тартибига риоя этилмаган, ҳаво ҳарорати норматив талаблар асосида таъминланмаган, бино ичи турли зараркундалардан дезинфекция қилиб борилмаганлиги натижасида кўплаб ноёб асарлар чириб, ярқисиз ҳолатга келиб қолган.

Республикаси Маданият ишлари вазирлигига қарашли Давлат санъат музейи, Шон-шўҳрат ва меҳнат давлат музейлари заҳирахоналарида ҳам мавжудлиги аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари қўрилган.

Музейлар биринчи даражали электр қуввати истеъмолчилари ҳисобланади, бироқ улар узлуқсиз электр қуввати билан таъминловчи замонавий ускуналар билан жиҳозланмаган, электр ускуналарининг қўпи ярқисиз ҳолга келиб қолган.

Бу каби қонунбузарликлар Андижон вилояти Адабийёт ва санъат музейи, Жиззах, Хоразм вилоятлари Ўлкашунослик музейлари, Бухоро Давлат бадийи мейморилик музейи кўриқхонаси, Сирдарё вилояти, «Мирзачўлини ўзлаштириш тарихи» музейи ва Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигига қарашли музейларда ҳам мавжуд.

Республика ҳукуматининг 1994 йил 23 декабрдаги қарори бўйича Маданият ишлари вазирлиги зиммасига «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва бошқа манфаатдор ташкилот-

бўйича вазифаларни бажармаганлиги, шунингдек, музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва уларга зарур илмий-услубий ёрдам кўрсатишни талаб даражасида ташкил этмаганлиги, замонавий техник воситаларни татиқ этиш ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйганлиги каби салбий ҳолатлар ҳам юқорида тилга олинган қонунбузарликлар содир этилишига имкон яратган.

Республика прокуратура органлари 2001 йил ҳамда жорий йилнинг ўтган даври давомида мазкур масала бўйича ўтказилган текширишлар натижаларига кўра қонун бузилишларининг олдини олиш, уларни бартараф этиш, айбдор раҳбар ва бошқа мансабдор шахсларни тегишли тартибда жавобгарликка тортилишини таъминлаш мақсадида 186 та прокурор назорати ҳужжатларини қўллади. Қонунга зид бўлган ҳужжатларга нисбатан 15 та протест келтирилди. Қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 53 та тақдирнома киритилди. 27 нафар мансабдор шахс қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳусусида огоҳлантирилди, 32 нафар шахс интизомий, 53 нафар шахс эса маъмурий жавобгарликка тортилди. Олпига ҳолат бўйича жиноят иши кўзга тилиб, зеро Конституцияимизнинг 49-моддасига кўра «Фўқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир».

А. ҚУРОНБОВЕВ,
Ўзбекистон Республикасининг
Бош прокуратурасининг
умумий
назорат бошқармаси катта
прокурори.
Йўлдош ПАРДА,
«Хуқуқ» муҳбири

● РЕСПУБЛИКА БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Шу йилнинг 30 апрель кунин Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ) бош котибининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича маслаҳатчилари Р. Монк ва Г. Йарвестам Республика Бош прокурорининг ўринбосари Э.Жўраев қабулида бўлдилар. Маълумки, ЕХХТнинг Тошкентдаги ваколатхонаси ва Америка юристлар ассоциацияси томонидан Ўзбекистоннинг бир неча шаҳарларида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, жиноий жазоларни либераллаштириш бўйича семинарлар ўтказилган эди. Мазкур учрашув ҳам ҳуқуқ тартиботини янада юқори поғонага чиқариш, минтақада тинчликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган ҳамкорлик-



ҲАМКОРЛИК

даги дастурнинг бевосита давоми бўлиши шубҳасиз. Унда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва демократик принципларни ҳаётга татбиқ қилиш масалалари муҳофизат қилиниб, мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари

ҳодимларининг чет элда малака оширишлари, иқтисодий, моддий-техникавий ёрдам кўрсатиш, юзага келган муаммоларни халқаро экспертлар ёрдамида ўрганиб, ЕХХТнинг Тошкентдаги ваколатхонаси орқали ҳал этишга келишиб олинди. (Ўз мухбиримиз)

● ҲУҚУҚ ТАРБИОТИ

Ҳуқуқий-демократик давлат, одил фуқаролик жамияти қуришни олдимизга олий мақсад қилиб қўйдик. Бундай жамиятни эса ҳуқуқий маданият юксак, сиёсий фаол фуқароларсиз барпо этиб бўлмаслигини барчамиз яхши биламиз. Ҳўш, юксак ҳуқуқий маданият, қонуний ҳурмат қилувчи, уларга бўйсуниб ҳаёт кечирини бурч деб билувчи фуқаро-инсон—шаксини биз қандай тасаввур қиламиз? Умуман, фуқаролик жамиятининг аъзоси, ҳуқуқий-демократик давлат фуқароси қандай бўлиши керак? Мухбиримиз ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида Республика Бош прокуратурасининг Қонуларни муҳассамаштириш ва ҳуқуқ-тартибот бўлими бошлиғи Светлана Ортикова билан мулоқотда бўлди.

ҳамкорлиқни йўлга қўйиш энг самарали йўлдир. Шу боисдан ҳам қатор вилоятларда прокурорларнинг ташаббуслари билан ҳуқуқий наشرлар чоп этилмоқда. Телегуҳрлар ташкил қилинган. Янги қонунлар, қарорлар ва фармонлар мазмун, аҳамиятини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш мақсадида жойларда телевидение билан ҳамкорликда тайёрланган кўрсатувлар аҳоли эътиборига ҳавола этилмоқда. Буни Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё вилоят прокуратуралари фаолиятида кўриш мумкин. — Бўлимнинг 2002 йилдаги мақ-

«ҲАЛИ ҚИЛАДИГАН ИШЛАР КўП»

— Сўнги йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, фуқаролар ҳуқуқий оғини юксалтириш ҳақида гапириш, айтиш мумкин бўлса, анъанага айланди. Бу бежизга эмас, албатта. Эътироф этиш керак, бу борада анча муҳим амалий ишлар қилинди. Бу-ғунги юртоқимизнинг ҳуқуқий савияси бундан беш-ўн йил олдинки даврдан кескин фарқ қилади. — Фирқингизга қўйиламан, албатта. Давр, замон шуни талаб қилапти. Ўзбекистон бугун жаҳонга юз тугди, демак, унинг фуқаролари ҳам ана шу талабларга жавоб бера олиши керак. Уз ҳуқуқини таниган, ўзгалар ҳуқуқини ҳурмат қила олади. Умуман, кўп эгитилган инсоний кадрлар бўлган демократия, инсон ҳуқуқини қўриқувчиларнинг учурига эришди, қалбига жо эгитилган инсон ҳеч қачон ўз Ватани тақдирини бефарқ бўлмайди. Унинг бугуни, эртаси учун ич-ичидан қайғуради.

ҳуқуқат қарорлари билан мунтазам равишда таништириб борилади. Прокурорларнинг малакасини оширишга қаратилган бир мунча ишлар амалга оширилди. Бош прокуратуранинг бўлим ҳамда бошқарма бошлиқлари ва тажрибали ҳодимлари билан ҳамкорликда ҳуқуқ-тартиботига бағишлаб ўтказилган қўлаб тадбирларимиз ижобий натижалар бермоқда. Шунингдек, бўлим фаолиятидан келиб чиқиб, қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботини кучайтириш, фуқаролар қонуний меъфалларини ҳимоя қилиш, давлат бошқарувининг демократик принципларини мустаҳкамлаш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва шу орқали фуқароларда қонуний ҳурмат, ҳуқуқий меъёрларнинг бузилишига муросасизлик руҳини қарор топтириш борасида жойларда тартибот ишларини жонлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз.



Сад ва вазифалари ҳақида нималар дейсиз?

— 2002 йилда бўлимнинг асосий мақсад ва вазифалари аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш борасида олиб борилаётган тушултириш ва тарғибот ишларининг сифатини кўтариш, бу борада ҳар бир прокурор-тергов ҳодимнинг нотижалик санъатини ривожлантириш ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ишлашнинг янада яшилдишдан иборат.

Янги олдимизда қилиниши керак бўлган ишлар кўп. Ҳар бир шаҳар, туман, вилоят прокуратураларида амалдаги қонунлар, бошқа меъёрий ҳужжатлар ва кодексларга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларни тезда ўзлаштириб олиб, турмушга татбиқ этиш алоҳида назорат талаб этадиган вазифа. Бу борадаги текширишлар ўз вақтида ўтказиб турилибди. Ушбу йўналишда компьютерга «Ҳуқуқ» юридик маълумотлар тизимини киритиш орқали соҳада самарадорликка эришиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, янги тақрирдаги «Прокуратура тўғрисида» Қонунида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш прокуратуранинг асосий вазифаси сифатида эътироф этилган. Шунинг учун ҳуқуқий тартибот ва қонунийликни муҳассамаштириш борасидаги фаолиятини ана шу асосда ташкил этиш йўлида ҳали қўйиш қилиниши кераклигини яхши ҳис этиамиз.

Фазилат ЁДГОВА суҳбатлашди

Жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш борасида олиб борилаётган ишларга уруғ берди. Дарҳақиқат, бугун бу борада яхши натижаларга эришилмоқда. Бунини мен ўз касбий тажрибамдан келиб чиқиб гапирарман.

— Бу жараёни, турган гапни, ҳуқуқ-тартибот органларига, хусусан, назорат органи бўлган прокуратура зиммасига ҳам қатта масъулят қўлади. Республика Бош прокуратурасининг Қонуларни муҳассамаштириш ва ҳуқуқ тартибот бўлими бу борада қандай вазифаларни амалга оширмоқда?

— Аталичидан маълумки, мамлакат парламенти қабул қилган қонунлар ва барча қонуний ҳужжатлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маъмуриятининг қарорлари, уларга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларни прокуратура органлари фаолиятида муҳассамаштириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида фаолият қўриқ этиш зиммасига қатта масъулят юклайди.

Бўлимнинг бугунги фаолиятига келсак, йил бошида тузилган ишлар режасига мувофиқ олиб борилаётган бўлим 2001 йилда қилдирган бошқармаси ва ўқув маркази билан ҳамкорликда бевосита жойларда конференциялар ўтказиб, прокуратура ҳодимлари янги қонунлар, Президент фармонлари ва

● ЙЎЛДА АДАШГАНЛАР

У ўн олти ёшга тўлишига ўн кун қолганида фуқароларнинг мулкани талон-тарож қилгани учун судланди. Суд унга вояга етмагани, чин кўнгилдан пушаймон бўлаётгани, хулқини ўзгартаришига, яхши ўқишга ваъда бераётганини эътиборга олиб, шартли жазо қўллаш, уни очикда қолдиришни лозим топди.

Орадан бир ярим ой ўтгач, Ҳаёт яна жиноят содир этди. Агар эс-ҳушини таниган, қатта ёшдаги одам суддан кейин кўз очиб юмгунча фурсатда такрор жиноятга қўл урганида, бу ҳолни «осон қутулдим, энди қўлга тушмайман» деб хомтама бўлгани билан изоҳласа бўларди. Хали дунёқароши шаклланиб, мустақил ҳаётга қадам қўйишга улгурмаган Успирин нега қайта ўғирлик қилди?

КАТТА ҲАЁТ БЎСАҒАСИДА

«ЎҒРИ» ДЕГАН НОМ ОЛДИ

Ўсиб-ўлғаяётган оила ўзига тинч. Маълумки, ўсимлик даврида бола руҳиятида қай бир йўсиндадир ўзлигини намоён этиши мумкин, бировларнинг эътиборини қозониш ҳоҳиши етакчилик қилиб, баъзан ноҳўй хатти-ҳаракатларга ундайди. Бунинг турли кўринишларини кузатиш мумкин. Қай бири қатталарга тақлид қилиб сигарет чекади, қай бири энди ёш бола эмаслигини намоён этиш учун спиртли ичимликдан татиб кўради, баъзилари эса «ботирлигини» уришқўқлик билан тевакар-атрофдагиларга қўза-қўзлайди. Айримлар Ҳаёт каби жиноятга ҳам қўл уради. Шу боисдан ўқитувчи-тарбиячилар ўспиринликни тарбиянинг энг қийин, мураккаб даврлари сирасига киритишади.

Ҳаёт дастлабки ўғирлик жиноятини содир этаётганида мангайига осонликча ўчмай-диган тамга босиб олаётганини билмасди. Суддан кейин мактабдаги тенгдошлари, маҳалладаги қўни-қўшиларнинг муносабати ўзгариб, одамлар ишончидан чиққанини, баъзилар эса ўзидан ҳазар қилаётганини бутун вужуди билан ҳис қилди. «Ҳамма менга шубҳалини қараётгани учун бошқа, узокроқ шаҳарга кетмоқчи бўлдим», деди Ҳ. Хотамов иккинчи бор Ҳисбага олиниб, дастлабки терговда сўроқ қилинаётганида. У Тошкентга кетмоқчи эди. 2001 йил 29 апрел кунини кечки пайт соат бешларда отаси ишдан қайтгунча ўйдан қочиб кетди. Тошкентга қуруқ ҳамён билан бормаслик учун қўшни қишлоқлардан бирин-нарсга ўмарийиш ниятида ярим тунгача сан-ди. Амиробод қишлоғидаги хонадонлардан бирининг дарвозаси очик, ичкарида энгил машина турарди. Уй эгалари ширин уйқудалигига ишонч ҳис қилган, у машина ичкаридаги автоматик топиани ечиб олди-да, жуфтани ростлади. Эрталаб хонадон эгаси Ҳ. Абдухалилов дарвоза очик қолганидан хавотирланиб, машинасини кўздан кечирди. Магнитофон йўқолганини кўриб, туман ИИБга хабар берди. ИИБ ҳодимларидан аввалроқ таниши, радио-телевизор устаси Фарход магнитофонни ўзининг ҳаммаси уста Маъруфда қўрганини хабар қилди. Ҳаёт устани магнитофон ўзиникилигига ишонтириб, 1500 сўмга сотиб юборган, лекин Тошкент сафарига чиқишга ҳали улгурмаган эди...

Одатда судланган ўсимнинг ота-онаси, ака-укалари сергак тортишади. Бир марта юзимизни ерга қаратди деб юриш-туришдан қўза-қулқ бўлишди. Бирок Ҳаётнинг оиласидагилар уни яна ўз ҳолига ташлаб қўйдилар. Ота-она шартли жазога тортилган ўғиллари тун яримигача кўчада сангив юрганидан хавотирланганда ҳудуд нозирига мурожаат этишмасди? Судланганидан кейин 45 кун ўтиб тагин жиноят содир этган Ҳ. Хотамовга туман ИИБнинг вояга етмаганлар назорати бўйича нозир, унга бириктирилган мураббий ҳам таъсир ўтказиб, ҳуқ-авторини ўнглаш учун зарур ишларни олиб боришди. Рўйхатга қўйиш-у, суҳбат ўтказиш билан чекланишди. Худди шунингдек, Хотамовлар яшаётган Мозортол қишлоқ фуқаролар йиғинининг фаоллари, оқсоқоллари бағоят оstonасидаги ўсимларнинг хурмача қилиқларига бефарқ қараб, бир ўсимнинг тақдирини синишига бивосита сабабчи бўлишди.

М. МУҲАММАДЖОНОВ, Фарғона вилояти Бағодот тумани прокурори

● ФОТО ЛАВҲА



Вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш прокуратура идораларининг доимий эътиборидадир.

Янгийўл шаҳар прокуратураси ҳодимлари кейин пайта бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан бу борадаги ҳамкорлиқни яхшилаш юзасидан бир қатор тадбирларни амалга оширди. Жумладан, шаҳар ҳудудида жойлашган вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармасига қарашли вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказининг фаолиятини жонлантиришда бевосита ёрдам кўрсатмоқда. Туман прокуратураси ҳодимлари бу ерда ва шаҳардаги бошқа болалар муассасаларида тез-тез бўлиб, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўраптирлар.

Суратларда: Янгийўл шаҳар прокурори О. Молдобеков (юқоридagi сурат) шаҳардаги «Кичкинтой» болалар уйида тарбияланувчиларга яратилган шарт-шароитлар билан танишмоқда. Пастдаги суратда шаҳар прокурорининг ёрдами чин ўрганувчиси (чапдан) А. Муратов ҳамда қатта терговчи З. Турсунов вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда доир профилактика ишлари юзасидан ўтказилган текшириш якунини таҳлил қилишмоқда.

А. ТУРАЕВ олган суратлар

НАЖОТ ИЗЛАЁТГАН ДЕҲҚОНЛАР

2001 йил мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим из қолдирди. Яъни, биринчи бор ялли ички маҳсулотнинг 1991 йилга нисбатан 103 фоиз ўсишига эришилди. Макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодиётнинг ўсиш тенденцияси аниқ кўзга ташланди.

Ялли ички маҳсулот 4,5 фоиз, sanoat ишлаб чиқариши 8,1 фоиз, қишлоқ хўжалигида маҳсулот тайёрлаш 4,5 фоиз кўпайди. Аҳолининг реал даромадлари эса 16,9 фоиз ўсди.

Булар, албатта, иқтисодиётимизда, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида рўй бераётган ислохотлар натижалари, янгича муносабатларнинг турмушимизга чуқур кириб бораётганидан далолатдир.

Лекин, турли тармоқларда, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида ечилиши лозим бўлган муаммолар ҳам талайгина. Уларни ҳал этиш учун эса Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари, биринчи иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган йилгиликда юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, белни маҳкам боғлаб, қаттиқ меҳнат қилишга тўғри келади.

Жойларда шундай қилинапти ҳам. Қўқам анчайин серёғин келганига қарамай экин ишлари қузғин. Кўпни кўрган деҳқонлар буйил ҳосил мўл, хирмонлар барақали бўлади, деб башорат қилмоқдалар. Шу боис деҳқон борки, яхши қайғит билан далага чиққан.

Аммо, афсуски, беш кўл баробар эмас. Олтинга тенг дақиқалари беҳуда ўтаётганидан зорланиб, идорама-идора нажот излаб юрган деҳқонлар ҳам йўқ эмас.

Норбой Товбаев Сайхунобод туманидаги Амир Темур номи ширкат хўжалигида 34 йилдан бери меҳнат қилади. Бир неча йил бригадга етакчилик қилган. 10 йилдан бери оиласи билан 11 гектар ерда пудрат асосида деҳқончилик қилиб, пахта етиштириб келарди. Уттан давр мобайнида бирор марта ҳам шартнома режасини ууддаламаган пайти бўлмади. Буйил ҳам нияти мўл ҳосил етиштириш эди. Бирок далада ишлаш ўрнига бир ойдан бери Сирдарё виллоят адлия бошқармасига қатнаш билан овора.

— Йил бошида фермер хўжалиги тузиш ниятида ширкат раисига ариза бергандим, — дейди Норбой ака. — Аризамни танлов комиссияси кўриб чиқишини кутиб юрганамда тўсатдан янги гап чиқиб қолди. Менга қарашли 11 гектар ҳамда пудратчи Т.Эшбековга тегишли 14 гектар ер хўжалик омирборчиси М.Эшқуровга фермер хўжалиги қилиб берилибди. Раисга учрасам, «Энди шундай бўлиб қолди. Сизга бошқа жойдан ер берамиз», дейди.

Жизда алам қилди. Ахир ўртада тузилган шартнома бор-ку! Нима бўлганда ҳам мендан бир оғиз сўзлашлари керак эди...

Адлия бошқармаси Н.Товбаев манфаатини кўзлаб, «Амир Темур номи ширкат хўжалигининг 23.01.2002 йилдаги 1-сонли ҳамда Сайхунобод тумани ҳокимининг 20.02.2002 йилги 95-сонли қарорини бекор қилиш ҳақида» виллоят хўжалик судига даъво аризаси киритибди.

Адолат қарор топиши, ер ҳақиқий эгасига қайтарилиши шубҳасиз. Аммо вақт ўтаётти. Ердан узиб қўйилган ҳокимнинг эса юрагига ҳам сиғмайди...

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчи Йигитли ота Йўлдошев 1945 йилдан бери шу хўжаликда ишлайди. 3 ўғил, 5 қизини дунёга туғилиб, вояга етди. 22 нафар неварани, 1 нафар чеваранинг бобоси. Нафақат хўжаликда, балки туманда ҳам ўзига яраша обрў-эътиборга эга инсон.

— Неварам Ш.Расулов 1999 йил бошида яхши ният билан фермер хўжалиги ташкил этганди, — дейди отахон қунониб, — бутун оиламиз бирлашиб, 42 гектар ерга пахта ва тўғил эдик. Афсуски, ўша йили бугдой яхши бўлди-ю, сувсизлик туфайли пахта режасини бажаролмадик. Кейинги йили эса уруғлик галла жуда кеч берилди. Ноябрьнинг охирида экин дон яхши униб чикмади. Бузиб, ўрнига чигит ақишга мажбур бўлдик. Уттан йили сув ута танқис бўлганидан хабарингиз бор. Бир биз эмас, қўш-қўшларимиз ҳам кўзлаган хирмонларини уя олмадилар. Бу йилдан умидимиз катта эди. Астойдил ишлаб, камчилик ўрнини тўлдириб юбормоқчи эдик. Аммо биздан сўраб ўтирмай 17 гектарлик сувга қулай еримизни олиб қўйишди. Раисга, ҳокимга учрадик. Очқидан-очик «сизларга ер йўқ» деб айтишди.

Оқсоқол бироз ошириб юборди, шеклили, деган ўйда «Она-замин» фермер хўжалиги раиси Ш.Расулов билан суҳбатлашдик.

— Бобонинг гаплари тўғри, бизни хабардор қилмай еримизни бошқа одамга бериб юборишди. Лекин қолган ердаги бугдойимиз жуда яхши. Худо хоҳласа режани ошириб бажарамиз.

— Ер талашш ўзбекка хос одат эмас. — гага аралашди отахон. — Ер ҳаммага етди. Айниқса, бизнинг чўйда. Лекин шу ишни бамаслахат қилса бўларди-ку. Биздан олиб, қимларга беришди денг: бирини туман ҳокими ўринбосарига, яна бирини омирборчиси М.Эшқуровга!

Агар ер асл деҳқонларга, бизга ўрнак бўладиган одамларга беришганда бунчалик хафа бўлмасдик. Ошана-оғайнигарчилик ҳам эви билан-да!

Юқорида таъкидланган Вазирлар Маҳкамасининг йилгиликда юртбошимиз ердан фойдаланишда юз бераётган ноҳушлиқлар ҳақида ўта қуюқчилик билан гапирган эди. Боз устига ана шу йилгиликдан сўнг қабул қилинган Вазирлар Маҳкамаси қарорида фермерлар манфаатларини ҳумоа қилишни кўчайтириш, туманлар ҳокимликлари, ширкатлар раҳбарлари, турли назорат қилувчи органлар ва тузилмалар томонидан уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашмиш йўл қўймаслик тўғрисида алоҳида банд бор.

Афсуски, баъзилар дастуриламал ҳисобланмиш йўриқлар ҳамда қарор ҳоқиятини уммаган қўринадилар. Акс ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунининг 15-моддасини қўпол равишда бузмаган, ҳуқумат қарорини эса ҳурмат қилган бўлурдилар.

Темур АБДУРАХМОНОВ,
журналист

Нурота тумани ҳудудининг анчагина қисмини қўшни Қозоғистон Республикаси билан чегарадош поёнсиз адирликлар ташкил этади. Туманнинг иқтисодиёти ҳам, истиқболи ҳам асосан чорвачиликка боғлиқ. Биргина «Нурота» наслчилик ширкат хўжалиги яйловларида шу кунларда 42 мингдан ошқ кўй-қўзи боқилмоқда. Баҳамжиҳатлик билан иш юритилаётган мазкур жамоада чорва қишлоқини бетафлотл ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Баҳамжиҳатлик деймизу, лекин, кўпчилик майли билан ҳисоблашмайдиган, ўз шахсий манфаати йўлида хар қандай жиноятга тайёр инсонлар ҳам учраб турар экан.

Бизда ер масаласи хар доим долзарб бўлиб келган. Тупроғи зар, эли заргар мамлакатда бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ер — ризқ-рўзимиз, бойликларимиз манбаи.

Хар икки мақолада ер билан боғлиқ муаммолар, «оёғи ердан узилган» айрим амалдорларнинг фермерлардан ерини олиб қўйиши натижасида деҳқонларнинг оворагарчиликлари хусусида сўз юритилади. Бир ҳолатда ҳақиқат қарор топган. Иккинчисида ҳам шундай бўлишига шубҳамиз йўқ.

ғийи ташкил этди. Кейин тегишли тартибда туман ҳокимлигидан қарор чиқариб, шу хўжалиқдан ер олди.

— Энди ишларим беш бўлади, — дея мақтанди у танишларига. Чунки фермер ерда ишлаб, ундан анчагина даромад оламан, дея ўйлаганди. Шу сабабли у янада ишларини беш қилиш мақсадида қўшимча ер олиш ҳаракатига тушиб қолди ва Р.Фойбов жамоа хўжалигининг собик ташки бошқарувчиси З.Мейлимуродовга мурожаат этди. Раис ҳам ўйлаб ўтирмасдан пудратчи К.Файзиевга қарашли бўлган ер майдонини унинг ва оилавий пудрат аъзоларининг розилигини олдасдан ҳамда хўжалиқнинг ҳеч қандай йиғилишини ўтказмай, «Камалак» фермер хўжалигига фойдаланиш учун бериб юборди.

Хамма можаро ана шундан кейин бошланди. Чунки оилавий пудратчи К.Файзиев ва унинг оила аъзолари ўзларининг ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилганлигидан норози бўлиб, туман ҳокимига, туман прокурорига, виллоят ҳокимлигига, виллоят прокуратурасига, виллоят адлия бошқармасига кетма-кет аризалар билан мурожаат қила бошлашди. Комиссиялар тузилиб, уларнинг аризалари буйича текширишлар ўтказилди.

Ва ниҳоят, «Камалак» фермер хўжалигига ажратилган 49 гектар ер майдонининг 32 гектарини қайтариб олиш ҳақида туман ҳокимининг қарори чиқди.

«Вой-буй» дея хитоб қилиб юборишнинг эди аниқ. Лекин бировни айбладан олдин воқеанинг ривожини кузатсангиз ёмон бўлмасди.

Оилавий пудратчилар яна ерларини қайтариб олганликларидан хурсанд бўлиб, енг шимарганча ишга киришиб кетдилар. Уларни хурсандчилигини қўя туйралик деб, гапни яна «Камалак» фермер хўжалигидан эшитайлик.

Ф.Лутфиев аввалига роса хафа бўлди. «Еримни тортиб олишларини софданми?» дея қўйинди. Аммо бу оқ-воҳлардан фойда чиқмаслигини билиб, дарҳол виллоят хўжалик судига ариза билан мурожаат қилди. Хўжалик суди раисининг ўринбосари М.Турсунунинг

ҳаракатлари билан ширкат хўжалигининг жуда кўп микдордаги, яъни 4360000 сўмлик мулкни ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан зарар келтирган.

Шундай қилиб, бош чўпон М.Мирзаевнинг ҳаракатлари ЖКнинг 167-моддаси 4-қисми «в» бандига лойиқ деб топилган эди. Аммо жиний ҳаёлдорнинг либераллаштирилиши муносабати билан киритилган ўзгаришлар туфайли жазо қайта малакаланиб, ЖКнинг 167-моддаси 3-қисмига

шикоятини ўрганиб чиқиб, туман ҳокими чиқарган қарорни нотўғри, деб топди.

Қисқаси, даъвогарнинг аризаси 2001 йил 21 майда виллоят хўжалик судида кўриб чиқилиб, даъво тўлиқ қаноатлантирилди. Табиийки, суднинг ҳал қилув қароридан норози бўлган туман ҳокимлиги виллоят хўжалик судига апелляция шикоятини, виллоят прокуратураси эса апелляция протести берди. Суд ҳайъати жавобгарнинг шикоятига ва прокурор протестига асосан иш материалларини ўрганиб чиқиб, даъвогар ва жавобгар вакилларининг баёнотларини, жамоатчилик фикрини ва ишда иштирок этувчи прокурор ҳулосасини эшитиб, жавоб-

гарнинг апелляция шикоятини ва прокурорнинг апелляция протестини қаноатлантирмаслики лозим, деб топди.

Аслида иш ҳужжатларидан кўринишича, 1999-2000 йил давомида санацияда бўлган Р.Фойбов номи жамоа-ширкат хўжалигининг ташки бошқарувчиси З.Мейлимуродов томонидан 2000 йил 21 августда 19-м-сонли қарор қабул қилинган ва «Камалак» фермер хўжалигига 49 гектар ер майдони ажратилган. Аммо, хўжалик бошқаруви раиси ушбу қарорни нотўғри, яъни, «ташқи бошқарувчи қарори» эмас, «умумий йиғилиш қарори» дея расмийлаштирган (Холбуки З.Мейлимуродов ўша вақтда хўжалиқда ташқи бошқарувчи вазифасида фаолият кўрсатаётган эди). Уйламасдан К.Файзиев ва оила аъзоларининг манфаатларига эид равишда, улар билан ҳисоблашилмасдан «Камалак» фермер хўжалигига қўшимча ер бериш ҳақидаги қарорнинг осонгина хўжалик умумий йиғилиши номидан имзолаб юборилганлиги (аслида хўжалиқда умумий йиғилиш бўлмаган ва мазкур ердан К.Файзиев бошлиқ оилавий пудратчилар фойдаланиб келишганлигига эътибор берилмаган) фермер ва пудратчи ўртасида норозилик келтириб чиқарган.

Бирок, пудратчилар виллоят хўжалик судининг биринчи ва апелляция босқичлари қарорларидан норози бўлиб, виллоят прокуратурасига ариза билан мурожаат қилдилар. Чунки, ўзлари ушбу хўжалик иши бўйича даъвогар ёки жавобгар бўлмаганликлари туфайли, иш бўйича чиқарилган қарорлар устидан шикоят келтиришга ҳақли эмас эдилар.

Шундан кейин, хўжалик судининг ушбу асоссиз қарорлари устидан виллоят прокуратураси томонидан Олий хўжалик суди судлов ҳайъатига кассация тартибида протест келтирилди.

Олий хўжалик суди кассация судлов ҳайъати 2001 йилнинг 8 август кунин ушбу протестга асосан хўжалик иши бўйича чиқарилган қарорларнинг қонунийлигини қайта текшириб, протестни қаноатлантирди. Чиқарилган барча қарорларни бекор қилди ва низо бўйича иш юритишни тугатиш ҳақида қарор чиқарди.

Ниҳоят, виллоят прокурорининг қонуний аралашуви билан Олий хўжалик суди судлов ҳайъати томонидан низо одилона ҳал этилди. Нўноқ раҳбарнинг қўпол хатоси тузатилиб, низо бўйича адолатли, ҳолисона қарор қабул қилинди.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтишни жоиз деб топдик. Одамларимиз хоҳ раис бўлсин, хоҳ раҳбар бўлсин, улар чиқариётган қарорлар тўғри, уларни инкор этиб бўлмайди, деган ақидадан қўтилиб, ўзларининг қонуний ҳуқ-ҳуқуқлари ва ваколатларидан тўғри фойдалансалар, юқоридагидек «чапқашликлар» оз бермас эди. Зеро, биз оруз қилаётган ҳуқуқий давлат бундай нуқсонлардан холи бўлмоғи лозим.

Мусо ШАРИПОВ,
Қашқадарё виллоят прокурорининг катта ёрдамчиси

ҲАЛОЛ НОН — РОҲАТИЖОН

М.Мирзаев 2000 йил бошида «Нурота» ширкат хўжалигининг 5-бўлимига бош чўпон этиб тайинланди-ю, миясини тезроқ бойиш режаси забт этди. У ўзига хўжалик томонидан ишониб топширилган 138 бош совлиқни 2760000 сўмга ва 160 бош қўзини бозор баҳосида 1600000 сўмга тергов жараёнида аниқлаш имкони бўлмаган шахсларга, яъни савдогарларга сотиб юборган. Тушган пулларни ўзи ва оила аъзоларининг эҳтиёжлари учун ишла-тиб юборган. У ўзининг бу хатти-

мос деб топилди.

Қадрини билмаган чўпон гарчи унга белгиланган 5 йилу 3 ойлик қамоқ жазосидан амнистия туфайли озод этилган бўлса-да, «емоқнинг қусмоғи бор», деган ўзбекона ақидамизга тан берадиган бўлди. Энди у майда-майда ҳаражат қилиб юборган суммани ширкат хўжалиги хазинасига тўлашга мажбур.

Кексаларимиз «тубан ишлардан ўзингни тий, ҳалол-пок бўл, ҳалол нон-роҳатижон», деб бежиз айтмаганлар, ахир.

Баҳром ЁҚУБОВ,
Нурота туман прокурори

РЕКЛАМА

«ХАЛҚАРО ПОЧТАМТ»



**акционерлик жамияти
жамоаси уруш ва меҳнат
фахрийлари хотираси олдида
бош эгиб, нуроний отахон ва
онахонларимизга мустақкам
соғлик, омонлик тилайди.**



**ХОТИРАСИН ЭТАЖАКМИЗ ЕД,
КАҲРАМОНЛАР РУҲИ БАРҲАЁТ!**

**ДАТ «АСАКА» БАНКНИНГ
ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ**



9 МАЙ

**БУГУНГИ СОДАТЛИ КУНЛАРИМИЗ
ЙУЛИДА КУРАШАНЛАР ХОТИРАСИНИ
ЕД ЭТИБ, ТАЪЗИМ БАЖО АЙЛАЙМИЗ.
МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ФАХРИЙЛАРИ,
ОНАХОН ВА ОТАХОНЛАРИМИЗГА СИҲАТ-
САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР ТИЛАЙМИЗ.**

**ОЛМАЛИҚ «АММОФОС»
ЗАВОДИ ЖАМОАСИ**

**БОШ ПРОКУРОР
ТАШРИФИ**

Собиқ Югославия ишлари бўйича халқаро трибунал (СЮ-ИБХТ) бош прокурори Карла дель Понте душанба ва сешанба кунлари Хорватияда бўлди.

Загреб мулозимларининг сўзларига кўра, бош прокурор илк мартаба 1991-1995 йиллардаги уруш даврида серблар томонидан содир этилган ҳарбий жиноятлар жойига ташриф буоради. Булар урушнинг биринчи босқичида энг кўп жабр кўрган Вуковар шаҳри ва бошқа аҳоли пунктлари бўлиб, прокурор бу ерда оммавий қабрларни кўздан кечириб, гувоҳлар билан сўхбатлашади.

Хорватия матбуотининг ёзишича, Карла дель Понте Загребга кузда бошланажак Югославиянинг собиқ президенти Слабодан Милошевичнинг Хорватиядаги жиноятлари билан боғлиқ суд жараёни туфайли келган. Шунингдек, хорват ҳукумати ушбу жараён билан боғлиқ махсус комиссия тузганлиги, агар зарурият туғилса комиссия трибуналга далил-исботлар ва ҳужжатлар тақдим этиши хусусида гапирилмоқда.

Хорватия бош вазири Ивица Рачан берган баёнотга кўра, бош прокурорнинг Загребга келиши янги айбловлар билан боғлиқ эмас.



АҚШ ҲАРБИЙЛАРИ ГРУЗИЯДА

Сешанбага ўтар кечаси АҚШнинг Европадаги базаларидан бирдан йўлга чиққан 20 нафар махсус хизмат йуриқчиси Грузияга етиб келди. Мамлакатга келиши мўлжалланаётган ҳарбийларнинг умумий сони 200 нафарга етиши тахмин қилинмоқда. Ҳарбийларнинг дастлабки гуруҳига алоқачилар, душман ҳудудида иш олиб борувчи мутахассислар киради. АҚШ ҳарбийларига юклатилган вазифа грузин армиясини терроризмга қарши курашга тайёрлашдир. Мазкур амалиёт мамлакатнинг марказий туманларида олиб борилади. АҚШ Давлат департаменти юқори мартабадаги вакилининг Москвада журналистларга маълум қилишича, улар «Панкис дарасида ҳам, Кодор дарасида ҳам АҚШ ҳарбийларини учратмайдилар».

Грузия президенти Эдуард Шеварднадзе бунгача мазкур тайёргарликдан ўтган грузин қўшинлари Абхазияга қарши ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмаслиги хусусида Вашингтонга ёзма равишда қафолат берган эди. АҚШ ҳукумати грузин махсус хизматини таёргарликдан ўтказиш амалиёти учун 60 млн. доллар ажратган. Шунингдек, Грузияга кўп миқдорда бепул дори-дармон, техника ва курул-яроғ ажратиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинган.

Эслатиб ўтиш жоизки, америкаликлар бугунги кунда Панкис дараси исломий террорчиларни ташқи дунё билан боғловчи йўлак бўлиб қолмоқда деб ҳисоблашади. АҚШ ҳарбий мутахассисларининг мазкур муаммага аралашishi шу билан изоҳланади.

Россия томони ҳозирча юқоридаги ҳолат бўйича муносабат билдирмаган.

ОСМОНДАГИ ФОЖЕА

Сидней осмонида иккита энгил самолёт тўқнашиб кетди. АР агентлигининг хабарига кўра, самолётлардан бири тўқнашув натижасида автотураржойга кулаб тушиб, ундаги тўрт кишининг барчаси — учувчи, унинг хотини ва икки фарзанди ҳалок бўлишган. Автотураржойдагилар шикастланишмаган. Учувчи ва курсант бошқараётган иккинчи самолёт эса Банстоун аэропортига амал-тақал кўнишга муваффақ бўлган. Номини ошкор этишни истамаган Австралия фуқаро авиацияси парвоз хавфсизлиги назорати агентлиги вакилининг айтишича, ҳодиса самолётлар кўнаётган пайтда юз берган.

КАШМИРДАГИ ТЎҚНАШУВ

Охирги икки кеча-кундузда Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штатида ҳинд ҳарбийлари ва маҳаллий айирмачи гуруҳ жангчилари ўртасида бир неча тўқнашувлар бўлиб ўтди. Оқибатда айирмачилардан олти, ҳарбийлардан бир киши ҳалок бўлди.

Полициянинг хабарига кўра, ўлдирилганлардан уч киши Кашмирнинг Ҳиндистон ва Покистон қисмини ажратиб турувчи «назорат чизиги»ни кесиб ўтмоқчи бўлаётганда отиб ташланган.

**УЛАР АТИГИ ТЎРТ
КИШИ**

Сингапурлик машҳур саёҳатчи Хо Сви Чо душанба куни жануби-шарқий Осиё мамлакатлари аҳолиси ичидан биринчи бўлиб Шимолий кутбни забт этди. Канада қирғоқларида кутбгача бўлган 770 км.лик масофани 37 яшар саёҳатчи чанги билан 45 кунда босиб ўтди.

Бу билан Хо Сви Чо ажойиб натижага — барча қитъаларнинг энг юксак чўққилари ва Ернинг ҳар икки кутбини забт этишга эришган дунёдаги тўртинчи киши бўлди.

**ИСРОИЛ ҲУЖЖАТЛАРИ
АРОФАТГА ҚАРШИ**

«Ликуд» партияси аъзоси, Исроил ҳукумати вазири Дани Навех яқшанба куни Фаластин раҳбари Ёсир Арофатнинг исломий террорчи ташкилотлар билан алоқадорлигини тасдиқловчи маъруза билан чиқди. Маъруза асосида Исроил разведкаси материаллари, «Ҳимоя девори» операцияси пайтида қўлга киритилган ҳужжатлар ҳамда ШАБАК Умумий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан ўтказилган сўроқ қилиш баённомалари ётади.

Миллий хавфсизлик масалалари бўйича АҚШ президенти ёрдамчиси Кондолиза Райснинг сўзларига кўра, АҚШ сафариди Ариель Шарон тақдим этажак мазкур ҳужжатлар албатта кўриб чиқилади.

ТАЖОВУЗ

Москва яқинидаги Люберец шаҳрида яшовчи икки фуқаро ўзларининг Mercedes — 500 русумли автомашинасида кетаётганларида ярим кечаси номасълум кишилар томонидан ўққа тутилганлар. Оқибатда улар кўкрак ва қорнидан яраланган ҳолда ўз машиналарида аранг шифохонага етиб олишган.

Милиционерлар машинага 32 та ўқ текканлигини аниқлашди. Жиноятчиларни қидириш ишлари бошлаб юборилди.



● **ЁЗГИ ИСТИРОХАТ ОЛДИДАН**

Пойтахтимизда охириги 10 йил мобайнида кўплаб ҳашаматли, осмонўпар бинолар қад кўтарди. Дам олиш боғлари қайта таъмирланиб ўзгача тус олди. Дарахтлар яшил рангга бурканган айни кунларда уларнинг чиройини таърифлашга тил ожиз.

Болалигимизни эслаганимизда боғларда, хиёбонларда вақти чоғлик қилганимиз кўз олдимизда намоён бўлади. У ердаги турли ўйинлар, аттракционлар бизларга олам-олам қувонч бахш этган. Бугун шу боғлар олдидан ўтаётганимизда кўнглимизда соғинч уйғонади.

ТОШКЕНТНИНГ ҚАЙСИ БОҒИ ЯХШИ?



Яқинда хиянларимни «Бобур» боғига сайрга олиб бордим. Аммо хиянларимга у боғ унчалик ёқмади. Сабабини сўраганимда, бола-да, «аргимчоғлари ёқмади, қизиқ жойлари кам экан, қўёшни кўп экан», дейишди. Менинг фикримча, боғ жуда шинам, чиройли. Унда талабаларни, ўриндиқда китоб ўқиб ўтирган ёки шахмат ўйнаётган кишиларни учратдим. Бундан ортиқ яна нима бўлиши мумкин? Лекин болаларнинг қизиқишларидан келиб чиқадиган бўлса, беш яшар хияннинг айтганлари тўғри бўлиб чиқяпти. Шу қизиқарли ҳолат мени шахримиздаги бошқа боғларда ахвол қандай эканлигини қўриб чиқишга ундади.

Мурод МИРЗАБОВ: — Асли ўзим бешёғочликман. Ёшлигимнинг маълум қисми ҳозирда «Алишер Навоий Миллий боғи» деб аталмиш истироҳат боғида ўтган. Уша пайтлардаги боғ бугунгисидан умуман фарқ қилади. Аввалари боғда одам кўп бўларди. Уйин-қули, сайллар хали-ҳамон эсимда. Сентябрь ойларида карнавал ўтказиларди. Яқинда фарзандларим билан севимли боғимга ташриф буюрдим. Афсуски, боғ аввалгидай шинам эмас. Одамлар онда-сонда учрайди. Болаларимга илгари бу боғ қандай эканлигини айтиб бердим. Албатта, боғ аввалгидай бўлса яхши бўларди.

Баҳодир ТУРСУНОВ: — Мен Янгийўлда истиқомат қиламан. Байрамларда, дам олиш кунларида албатта фарзандларимни пойтахтга айлантганимиз тез-тез олиб келаман. Менга қолса шахримизнинг барча боғлари яхши. Лекин фарзандларим ҳайвонот боғини ва «Мирзо Улугбек» боғини жуда яхши кўришади.

Аъзам МИРХОЖИЕВ: — Мен Мирзо Улугбек туманида яшайман. Бизнинг туман ҳудудида Зафар Дийёрнома маданият ва истироҳат боғи бўларди. Аммо сўнгги йилларда дам олиб ҳордиқ чиқарадиган бу масканнинг харобага айланганлиги мутасаддиларни ўйлантирмади чоғи. Илгари болаларим билан бу боғқа дам олгани бориб турардим. Ҳозир, тўғриси, у ерга болалар билан киришга ҳам кўржаман. Ўт-ўланларнинг ўсиб кетганлиги, саришасизлиги, ўриндиқларнинг синиб ётганлигини кўрасиз. Боғнинг пешторида «Истироҳат боғи» деган ёзув номини гагина қўйилган экан-да, деган ҳаёлга борасиз. Болаларим «Мирзо Улугбек» боғига боришни яхши кўришади.

Ирода ОТАЖОНОВА: — Мен яқинда оилам билан «Тошкентленд» боғига бордим. Боғ ҳақиқатан ҳам жуда чиройли экан. Болаларим ҳам роса қувонишди. Лекин бир нарса мени ўйлантириб қўйди. У ҳам бўлса, у ердаги нарх-наво қиммат. Назаримда ҳозирги замонда бундай баҳога оила билан дам олишни ҳамма ҳам ўзига эл кўрмас керак.

Нарх-наво масаласи фақат «Тошкентленд» боғига тегишли. Бугунги кунда бу боғқа кириш пулли: катталар учун 2300 сўми, кичкиналар учун (3 ёшдан 12 ёшгача) эса 1000 сўми ташкил қилади. Сабаби бошқа боғларда аттракционлар нархи даярли бир хил: катталар учун 150 сўм атрафиди, кичкиналар учун эса 50 сўм, Демак, шахримиздаги боғларнинг қайси бирига одамларнинг қай даражада кўп ташриф буюриши нархларга бориб тақалмаяти. Юқориди жавоблардан кўриниб турганидек, «Мирзо Улугбек» боғи ҳақида ижобий фикрлар айтилган. Бунинг сабабини билиш ниятида мен барча боғларга бирма-бир бориб кўрдим. Барча боғларда дам олувчилар бор, лекин «Мирзо Улугбек» боғидагидек гавжум эмас.

«Мирзо Улугбек» боғининг директори, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳодир Султонов бу ҳақда шундай дейди:

— Бизнинг боғқа ташриф буюрувчилар кўпчилигининг асосий сабаби шундаки, биз ҳар мавсумда мижозларимиз учун янгилик яратишга ҳаракат қиламиз. Масалан, сўнгги йилларда боғимизда ҳайвонот бурчаги, қўғирчоқлар театри ташкил шартлирилди. Кўпчилик бизнинг боғқа кўп одам келишини метро бекатига яқинлиги билан изоҳлашади. Ундай десак, шахримиздаги бошқа боғларга ҳам транспорт катновлари жуда қулай. Лекин сиз айтгандай, ҳақиқатан ҳам бошқа боғларга афсуски, одамлар унчалик кўп ташриф буюришмайди. Баъзилари умуман ҳувиллаб ётибди. Назаримда, бироз ташаббускорлик бу муаммоларни йўқотишга ёрдам беради.

Ҳақиқатан ҳам «Мирзо Улугбек» боғи маъмуриятнинг ташаббускорлиги юқори даражада. Боғда 20 та турли аттракцион ишлаб турибди. Улардан ташқари, юқориди айтиб ўтилганидек, ҳайвонот бурчаги, қўғирчоқ театри (7 ёшгача бўлган болаларга кириш бепул) ҳамда маънавият ва маърифат хоналари болаларимизнинг дунёқарашларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Боғда яна спорт майдони, компьютер хонаси, рақс майдончаси ва қайиқлар станцияси бор. «Мирзо Улугбек» боғида яна бир аъна борки, у ерда болалар уйлари учун тез-тез қайри тадбирлари ўтказилади. Яна бир эътиборли жиҳат: боғда бир қатор аттракционлар 7 ёшгача бўлган болалар учун бепул.

Бошқа боғлар ҳақида сўз юритганда уларда ҳам барчаннинг севимли боғига айланиш учун ҳамма имкониятлар мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Ташкилий ишлари, хизмат кўрсатиш сифати ва ташаббускорлигини ошириш даркор, ҳолос. Шундагина шахримизнинг барча истироҳат боғларида биз хоҳлаган шинам ва файли мумкин вужудга келади.

Албатта, баъзи қаровсиз ахволдаги боғларга ҳам керакли эътибор берилса яхши бўларди.

Ж. МАКСУМОВ,
«Хуқуқ» мухбири

Истироҳат боғи	Ноз қарашма Шеръ ваъли	Ток нави	Зардоб Отанқови	Кочек Давлат
Июмлик		Эчки зоти	Самолёт русуми	Томчи
Хашорат Фольбон (Исроҳобон)		Китоб қисми		
Домола Шикоят			Вертолёт русуми	
		Телевизор русуми	Ҳазаб	
		Ҳайвоноти		
Рақс турни	Ибодат			Туялор
			Хорик ёзи	
Семиз Маълумка			Нота	Дарё (Франция)
		Кам	Уялов бирлиги	
		Авто русуми	Хусумат	
Қадимий Тошкент		Брос		Номус
Қуш тури	Ука			Қуш худоси

Тузувчи: **К. БОҒБЕКОВ**

КАХ-КАХА

— Жонгинам, мана, яқинда тўйимиз бўлади, шу сабабдан сенга очигини айтишим керак...
— Хўш, қулоғим сенда...
— Биласанми, мен илгари бир марта уйланганман. Иккита фарзандим бор...
— Вой, шунга шунчами? Мен бўлсам машинангни ўйирлаб кетишбодим, деб уйлабман.

— Кийинчи бўлдингми, аяси? Ахир меҳмондорчиликка кечикяямиз.
— Қанақа тушунмаган бесаёр бандасиз ўзи? Ахир бир соатдан бери тақорлайвериб оғзим чарчаб кетди, беш минутда кийинчи бўламан, дедим-ку.

Қаттиқ бош оғригидан тўшақда инграб ётган хотин охири чидай олмай, тескари ўгирилиб ётган эрини туртиб уйғотди: — Қанақа эрчисиз ўзи? Ярим кечадан бери бошим ёрилди деб бўлиб, инграб ётибман, ҳол сўрай деймаски.
— Бўлди, бўлди, беш минутдан кейин тураман, — гўлдиради эр уйқусираб. — Сен ухлаб оласан, мен сенинг ўрниңга инграб тураман.

Немис тилидан йўлдош ПАРДА таржимаси

● **ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ**

КЕЧИККАН КАРТМОН

Сан-Францисколик бир полициячи почтадан жўнатма олди. Жўнатмада унинг бундан 46 йил илгари вафот этган бувасининг картмони бор экан. Жўнатмани юборган кишининг илова хатида ёзилишича, у бу картмони бундан 50 йил аввал телефонхонадан топиб олган, аммо қандайдир сабабларга кўра эгасига жўнатишни унутиб қўйган экан. 50 йилдан сўнг, ашқол-дашқолларини кўздан кечираётганда эски бир тўрхалта ичидаги картмон унинг диққатини жалб этибди. Картмонда буванинг ҳайдовчилик гувоҳнома-си, тураржойи кўрсатилган кредит картчаси ва 60 долларлик чек бор экан. Хат муаллифи картмони ўз вақтида жўнатишни унутиб қўйганлиги учун ўтиниб кечирим сўраган.

Моҳият

Ҳаммани ёмонлаб, сиз ҳақингиздагина яхши гапирарётган кишини тингламанг.
Л. ТОЛСТОЙ

● **ТУРФА ОЛАМ**

АНТИҚА ЗАҲИРА

Калифорниялик сармоядор Майк Блейлок олимларнинг генетик усуллар билан соч тўқилишининг олдини олиш чораларини топишдан умидвор бўлган кишиларнинг сочларини намуна сифатида асрайдиган заҳира ташкил этди. Hairogenics Incorporated «пешлаваҳ»-си остида иш юритаётган тадбиркорнинг сўзларига қараганда, врачлар яқин йиллар ичида эски намуналар бўйича генетик усуллар билан янги сочлар ўстиришни йўлга қўйр эмшлар. Бир тутам сочни заҳирага жойлаштириш нархи 51 доллар, бундан ташқари мижозлар ўз сочларининг авайлаб-асралиши учун йилга 10 доллардан ҳақ тўлаб борадилар.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Республика прокуратурасининг фахрий ходими, Республикада хизмат кўрсатган юрист

Ғазн БУХОРОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила-аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этади.

Навоий вилоят прокуратураси жамоаси Республика Бош прокуратурасининг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш маркази директори ўринбосари Б. Калоновга онаси

НОРБИБИ АНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдардик билдиради.

ДОНОЛАР демишқи...

- * Нафсига эрк берганининг муруват эшиги берк бўлади.
- * Илм ўрганиб, илмига амал қилмаган киши ер ҳайдаб, экин экмаган кишига ўхшайди.
- * Қаноатли кишида ҳасад бўлмайди.
- * Кимки гина экса таъна йиғади.
- * Хулқи бузилганининг ризқи узилади.
- * Ҳаёси йўқ киши нусти шилиб олинган ёғоч ёки ёғи тугаган чироққа ўхшайди.
- * Беадаб одамлар билан суҳбатдош бўлгандан, ёлғиз ўтирган афзал.
- * Сўз қуролдир, кимки шу қурол билан жароҳатланган бўлса, уни даволаш қийин.
- * Кишининг сўзи қалбидан хабар беради.
- * Бехуда ҳадеб кулавериш кишидаги иззат ва виқорни кетказади.
- * Ортиқча таъна ва танбёҳ душманлик тугдирди.
- * Яхши хотин уйга барака киргизади.
- * Ақлли одамнинг тили донолик қалити, нодон кишининг тили ҳалокат қалити.
- * Тил кичик жуссали йиртқич ҳайвонга ўхшайди, уни пўлат арқон билан боғла.
- * Фазилатларни энг юқори, олий даражага етказувчи нарса камтарликдир.
- * Чиройли хулқ дўст орттиради, ёмон хулқ эса яқин кишиларингдан узоқлаштиради.
- * Мулоим сўз қотиб, тошга айланган юракни ҳам юмшатади, қаттиқ сўз ипакдан юмшоқ юракни ҳам метинга айлантаради.

«Муктафоти адабийна» китобидан